

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети  
хузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини  
ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Директор R. Karimov Р. Каримов

2020 йил «08» 09

“КЕЛИШИЛДИ”



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2020 йил «07» 12

Рўйхатга олинди: № 3072  
2020 йил «30» 10

Нофилологик йўналишларда  
махсус мақсадларга йўналтирилган  
инглиз тилини (English for Specific Purposes, ESP)  
ўқитиш намунавий дастури

Тошкент 2020

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети  
хузуридаги Республика илмий-амалий инновацион маркази  
Британия кенгаши балан ҳамкорликда

**Нофилологик йўналишларда  
махсус мақсадларга йўналтирилган  
инглиз тилини (English for Specific Purposes, ESP)  
ўқитиш намунавий дастури**

Мазкур фан дастури Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва  
Британия Кенгаши билан ҳамкорликда илгари сурилган ENSPIRE – U  
(*Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиши тизимини  
ислоҳ этиши*) лойихаси махсулидир.

Тузувчилар: Ричард Вест, Жефф Станфорд, Саида Иргашева, Светалана  
Хан, Наргиза Вохидова

Ўқув дастурни тузиш жараёнида, шунингдек, дастур олди  
тадқиқотларни ўтказишида, дастурни эксперимент гуруҳларда синовдан  
ўтказишида ва қўшимча тавсияномалар ва хаволалар ишлаб чиқишида  
мамлакатимиздаги 22 та олий таълим муассасалари иштирок этган.  
Миллий лойихада қатнашган ОТМлар ва лойиха иштирокчилари рўйхати  
3 иловада келтирилган бўлиб, жойларда янги ўқув дастурни тадбиқ  
этишида, у асосида йўналишлар ва соҳалар бўйича ишчи дастурлар  
тайёрлашда ушбу мутахассисларга мурожаат қилиш мумкин бўлади.

Лойиха менеджери: Джамиля Гулямова  
Лойиха координаторлари: Саида Иргашева, Ольга Ким

## **Бүлимлар**

### **1. Кириш**

- 1.1 Методологияга ёндашув
- 1.2 Анъанавий ва янги ўқув дастурлар ўртасидаги фарқлар
- 1.3 Фаннинг асосий тамойиллари
- 1.4 Мустақил таълим
- 1.5 Луғат базасини яратиш
- 1.6 21 аср кўникмалари
- 1.7 Тилни ўқитишида АҚТдан фойдаланиш

### **2. Фаннинг мақсади**

- 2.1 Коммуникатив тил компетенцияси
- 2.2 Тилни глобал кўллаш
- 2.3. Тил кўникмаларини ривожлантириш
- 2.4 Талаба эгаллаши керак бўлган билим, кўнига ва малакалар

### **3. Муҳим талаблар**

- 3.1. Ўқитувчиларга қўйиладиган талаблар
- 3.2. Талабаларга қўйиладиган талаблар

### **4. Дастур билан ишлаш**

- 4.1. Талабанинг тилдаги эҳтиёжини аниқлаш
- 4.2. Фан мақсадини тайёрлаш
- 4.3. Мазмуни
- 4.4 Ўқув материаларини танлаш ёки яратиш
- 4.5. Йўналишлар бўйича ўқув дастурини тузиш
- 4.6. Дастурда қўлланиладиган ўқитиши методлари
- 4.7. Баҳолаш, тест ва назорат

### **5. Вақт меъёрлари**

Илова 1: Ишчи ўқув дастур намунаси (Туризм йўналишида инглиз тилини ўқитиши)

Илова 2: Ишчи дастур тузувчилар учун қўшимча адабиётлар

## 1. Кириш

Мазкур фан дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Британия Кенгаши билан ҳамкорликда илгари сурилган ENSPIRE – U (*Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиши тизимини ислоҳ этиши*) лойиҳаси маҳсулидир. Лойиҳа 2016-2019 йилларда амалга оширилиб, унда Республикамиздаги 22та олий таълим муассасалари хорижий тиллар кафедралари мутахассислари иштирок этдилар. Ушбу ўқув дастурни яратишда ОТМлар талабалари, турли соҳа ихтисослик кафедралари ва хорижий тиллар кафедралари ўқитувчилари ва иш берувчилар жалб этилган холда ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланилди. Ўқув дастур ОЎМТВнинг 2018 йил 87-03-3381-сонли хатига асосан лойиҳа иштирокчилари бўлган 22 та ОТМларда синовдан ўтказилди.

Ўқув дастур Ўзбекистон давлат стандарти (Чет тиллари бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар) ва Умумевропа тил компетенциялари таснифи (CEFR 2001/2018)га асосланган бўлиб, мамлакатимизда тадбиқ этилган қатор инновацион ислоҳотларга таянади. Дастурни тузишда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги № 5847-сонли Фармонида келтирилган қуйидаги муҳим талаблар инобатга олинган:

- олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;
- халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;
- талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида малакавий тажрибаларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш;

- барча олий таълим муассасаларида дарс машғулотлари бўйича талабалар фикрини ўрганиш (feedback) ҳамда ўзаро ташриф (peer review) тизимини ривожлантириш асосида талабаларга таълим хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаб бориш.

Намунавий дастурда турли соҳаларга йўналтирилган хорижий тилни ўқитишида инобатга олиниши керак бўлган тамойиллар, замонавий ёндашувлар, таълим бериш ва таълим олишдаги самарали методларни тадбиқ этиш, баҳолашни ташкил этиш, ҳамда дастур асосида ўкув материалларини танлаш ва яратиш бўйича методологик кўрсатмалар берилган. Ўкув дастур умумий намунавий дастур хисобланиб, у асосида олий таълим муассасалари хорижий тиллар кафедралари берилган умумий тавсиялар ва намуналар асосида ОТМнинг соҳа ва йўналишларидан келиб чиқкан ҳолда ишчи дастурларни яратишлари зарур бўлади. Ўкув дастурдаги тавсияларга кўра, соҳа йўналишлари бўйича тайёрланадиган ишчи дастурларнинг мазмуни модуллар кўринишида тузилади ва бу дастурни кредит-модуль тизимида тадбиқ этилишида қулайлик яратади (1-илова: ишчи дастур намунасига қаралсин).

Дастур турли йўналишлар бўйича ишчи дастур тузилаётганда хар бир ОТМга мустақил равишида тил ўрганувчининг академик ва касбий эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда мос келадиган турли хил жанрлар, мавзулар ва ўкув материалларни танлаш имконини беради.

Ушбу ҳужжат хорижий тилларни икки босқичда ўқитиши назарда тутади:

- умумий мақсадларга йўналтирилган хорижий тил (Language for General Purposes, LGP);
- маҳсус мақсадларга йўналтирилган хорижий тил (English for Specific Purposes, LSP).

Битирувчилар В2 даражага эришишлари учун хорижий тил бакалавр таълимининг барча босқичларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Бунда умумий мақсадларга йўналтирилган хорижий тил (Language for General Purposes, LGP) таълимнинг биринчи босқичида ёки талабалар билим даражаси юқорироқ бўлган тақдирда фақат биринчи семестр давомида ўқитилиши мумкин. Маҳсус мақсадларга йўналтирилган хорижий тил (Language for Specific purposes, ESP)ни эса, иккинчи семестрдан ёки иккинчи курсдан бошлаб, ёки паралел равишида ўқитиши керак бўлади (Дастурнинг вақт тақсимоти сахифасига қаралсин). Кўпгина бакалавр курслари атиги 3 йил давом этишини ҳисобга оладиган бўлсак, талабаларнинг билим даражасидан келиб чиқкан ҳолда биринчи йилнинг ўзида LGP ва LSPларни бирлаштириб ўқитиши мумкин. Инглиз тилини

талабалар танлаган соҳага йўналтирилган холда ўқитилиши келгусида нафақат талабаларнинг ўз касбларида тилдан унумли фойдаланишларига, балки ОТМларда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган мутахассислик фанлар салмоғини ошириб боришга хизмат қиласди.

Янги ўкув дастур куйидаги бўлимларни муваффақиятли қўллаш бўйича методологик йўлланмаларни тавсия этади: методологик ёндашув (1.1 ва 1.2), ESPнинг асосий тамойиллари (1.3), мустақил таълимни ташкил этиш (1.4), фаннинг луҳат базасини тузиш (1.5), 21- аср кўникумалари (1.6) ва тилни ўқитишида АҚТдан фойдаланиш (1.7) кабилардир. Ўкув дастурга қўшимча тарзда тайёрланган бир қатор қўшимча ҳаволалар ва ишланмаларни Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги Республика илмий-амалий инновацион маркази <http://uzspic.uz/> сайтидан олиш мумкин.

## 1.1 Методологик ёндашув

УЕТК (CEFR) бирор бир муайян ёндашув ёки методни химоя қилмаса-да, мазкур дастурга қўра, фанни ўқитишида **Тил ўқитишининг коммуникатив ёндашувига** асосланишни назарда тутади.

Тил ўрганиш/ўқитишининг кенг тарқалган ва тан олинган коммуникатив ёндашувлари куйидагича:

- тил ўрганувчи тилни мулоқатда қўллаш орқали ўрганади;
- дарслар лойиҳа иши, маъноли вазифага асосланган бўлади, яъни талабалар бирор бир лойиҳани ёки аниқ вазифани бажаришлари керак бўлади. Ўргатиладиган тил топшириклари эса, ушбу вазифадан келиб чиқсан холда танланади;
- дарслар асосан ўрганилаётган тил (инглиз)да олиб борилади; асосий эътибор мулоқотга қаратилади;
- аудитория топшириклари аутентик (хаётый) ва маънога асосланган мулоқот вазифаларига асосланиши лозим;
- нутқнинг равонлигига эришиш мулоқотнинг мухим жиҳатидир;
- мулоқотга ўрганиш-til малакалари (ўқиши, ёзиши, гапириши ва тинглаб тушуниш)нинг интеграцияси орқали амалга оширилади;
- тилни ўрганиш – бу синов ва хатоларни ўз ичига олган ижодий жараёндир. Шундай экан, хатоларни дарҳол тузатилиши ёки ‘йўқ килиниши’ лозим бўлган иллат сифатида эмас, балки тил ўрганиш жараёниниг бир қисми сифатида кўриб чиқиши керак.

**Қўшимча ҳавола:** Аутентик материаллардан фойдаланиш

## 1.2. Анъанавий ва янги ўқув дастурлар ўртасидаги фарқлар

Куйидаги жадвалда Махсус мақсадларга йўналтирилган хорижий тил (Language for Specific Purposes, LSP)ни ўқитишнинг анъанавий ва замонавий ёндашувлари ўртасидаги асосий фарқлар келтирилган. Мазкур дастур асосан олий таълим муассасаларига турли мутахассисликларда йўналишлар бўйича ишчи ўқув дастурларни яратишида кўпроқ автоном\мустақилликни кўзда тутган бўлсада, кафедралардаги дастур тузувчилардан фанни ўқитишда қабул қилинган муайян тамойилларни инобатга олишни талаб этади.

1- жадвал

### Ёндашувларнинг фарқли жихатлари

Анъанавий ёндашув	Замонавий ёндашув
Барча олий таълим муассасаларидаги соҳа ва йўналишлар учун ягона тан олинган ўқув дастур	ОЎМТВ томонидан умумий тавсияларни ўз ичига олган ўқув дастурга асосланган холда ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан соҳа йўналишлари ва талабалар даражасидан келиб чиккан холда ўқув дастурни ишлаб чиқиши имконияти
Кутилаётган тил даражаларининг шаффофф таърифининг йўклиги	CEFR (УЕТК) стандарти даражаларига аниқ иқтибос
Талабалар эришиши кутилаётган натижаларнинг фаннинг мавзулари ва баҳолаш тизими билан боғланмаганлиги	Талабалар эришиши кутилаётган натижаларнинг фаннинг мавзулари ва баҳолаш тизими билан мустаҳкам боғлиқлиги
Тилни ўрганишда асосан грамматика ва фонетика қоидаларига урғу берилиши	Дастур мазмунининг талабаларнинг бўлғуси касбида тил бўйича зарур бўладиган эҳтиёжларидан ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиккан ҳолда тузиљганлиги
Назарий ёндашув, яъни масалан линвистика (синтаксис, фонетика, морфология, семантика, стилистика ва ҳакозо)	Амалий ёндашув (жумладан амалий грамматика, соҳада қўлланиладиган вокабюлар, талаффуз, ўқиш қўнимаси, ёзиш қўнимаси, тинглаб тушуниш ва гапириш қўникмаларини ўқитиш ва ҳаказо). Жанр ва дискурсга асосий эътиборни қаратиш.
Тарихий ёндашув: тил тарихини ўқитиш	Замонавий ёндашув: Инглиз тилига халқаро тил сифатида қаратиш
Маданий ёндашув: Буюк Британия ва АҚШнинг адабиёти ва маданияти	Маданиятлараро хар ҳилликни тушуниш, маданиятлараро мулоқот қўникмасини шакллантириш
Дарс ўтишда кўп холларда она тилидан фойдаланиш; асосий эътиборни таржимага қаратиш	Дарсларни тўлиқ ўрганилаётган тил (инглиз)да олиб бориш; асосий эътиборни мулоқотга қаратиш
Ёд олишга эътибор қаратиш	Тилни амалда қўллашга эътибор қаратиш
Баҳолаш: билимни баҳолашга эътибор	Тил қўникмаларини амалда қўллаш

каратиш	қобилиятини баҳолашга эътибор қаратиш; CEFR стандарти даражалари ва мезонларига асосланган баҳолашнинг шаффоф тизими
Эътиборни тилни бехато ўрганишга қарагиши ва ўқитувчи томонидан хатоларни доимий тузатилиб борилиши	Эътибор тилни равон қўллай олишга ўргатишга қаратиш ва факат тизимли хатоларнинг устида ишлаш
Ўқитувчининг қатъий назорати остида таълим олиш	Мустақил таълимни раҳбатлантириш (масалан, Moodle мобил иловаси ёрдамида);
Ҳамма учун битта ягона тан олинган дарслер	Талабалар эҳтиёжидан келиб чиққиб тайёрланган ўқув материаллар ва аутентик (реал манбалардан олинган) материаллар
Мавзуларга асосланган фан мазмуни	Маъноли яхлитликни ташкил этган модулларга асосланган фан таркиби

**Қўшимча ҳаволалар:** Методик тавсиялар ҳақида кўпроқ маълумот учун 1.1 бўлимига қаралсин

### 1.3. Тилни маҳсус мақсадларда ўқитишнинг (LSP) асосий тамойиллари:

#### 1) Мутлақ хусусиятлар:

Тилни маҳсус мақсадларга йўналтирилган ҳолда ўқитиш (LSP)

- тил ўрганувчининг таълимдаги ва бўлғуси касбидаги тил эҳтиёжларини кондириш учун мўлжалланган;
- тадқиқотга асосланган методологиядан ва унга хизмат қиласиган фаннинг вазифаларидан фойдаланади;
- юқоридаги вазифаларни бажаришга мос келадиган тил тизими (грамматика, лексика, жанр), тил қўнималари, дискурс ва жанрларга асосланган.

#### 2) Ўзгарувчан хусусиятлар

Тилни маҳсус мақсадларга йўналтирган ҳолда ўқитиш (LSP) ишчи дастури яратилаётганда қуидагилар инобатга олинади:

- маълум бир соҳа ёки бир неча ўзаро боғлиқ соҳаларни жамлаган бўлиши мумкин;
- умумий мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (General English)ни ўқитиш методикасидан фарқ қиласи;
- одатда каттароқ ёшдаги (ўрта-маҳсус ёки олий таълим муассасаси талабаси) тил ўрганувчилар аудиторияси учун мўлжалланган ҳолда тузилади;
- тил билишнинг ўрта (B1-B2) ва юқори (C1-C2) даражасини эгаллаган талабалар учун мўлжаллаб тузилади. Баъзан бошланғич даражада қўлланилса-да, тил ўрганувчидан тилнинг базавий босқичини эгаллаган бўлишини талаб этади.

#### **1.4. Мустақил таълим**

Мазкур дастур тил ўрганувчиларда мустақил таълим кўникмаларини фаол шакллантиришга, уларнинг ўз таълим мақсадларига маъсулият билан ёндашишларига ва талабанинг ўқув жараёни ҳақидаги хабардорлигини оширишга хизмат қиласи. Дастурда илгари сурилган мақсад ва ғазимунга кўра, мустақил таълимни ташкил этишда қуидаги талабалар мавжуд:

- тилни ўзлаштиришда ўзлари учун муҳим бўлган мақсадларни белгилаб олишлари;
- ўзларидаги муаммоли холатларни аниқлаш ўзлаштирилган билимни обьектив баҳолай олиш имкониятига эга бўлишлари;
- соҳага оид матнлар ва ўқув материаллар билан мустақил ишлаш кўникмаларини ошириш имкониятига эга бўлишлари

Мустақил таълим бу ўқитувчининг бевосита *аралашувисиз*, фақатгина талабаларни тўғри йўналтирган холда амалга оширилади. Талабалар таълим олишлари учун жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар. Ўқитувчилар биринчи навбатда талабаларда мустақил таълимни рағбатлантиришлари ва мустақил таълим учун зарур бўладиган кўникмаларни (1.6. бўлимга қаралсин) ривожлантиришлари керак бўлади.

Талабалар аниқ кўрсатмалар олишлари ҳамда бажараётган вазифаларининг *мақсади* ва аниқ *муддатини* билишлари керак. Мустақил таълим учун мўлжалланган топшириқлар берилганда ўқитувчи кучли ва заиф талабаларга эътиборни қаратиши, жоиз бўлса, заиф талабаларга камрок топшириқлар бериш ёки кучсиз талабаларни кучли талабалар билан бирлаштириши мумкин. Мустақил ривожлантиришга қаратилган умумий воситалар – бу ўқувчилар билан тузилган шартномалар, жавоби тезкор электрон машқлар, мослашувчан онлайн дастурлари, онлайн кидирав дастурлари, веб-тадқиқот вазифалари, рефлексив блоглари ва ҳ.к. **Кўшимча ҳаволалар:** 1.6-бўлим (21- аср кўникмаларини ривожлантириш), 4.6-бўлим (ўқитиш методларидан мисоллар).

#### **1.5 Луғат базасини яратиш**

Фанни ўқитишида талабанинг касбий эҳтиёжларини инобатга олишда яна бир муҳим жиҳат бу ўқитувчилар томонидан ўқитилиши керак бўлган касбга оид луғат базасини

шакллантиришдир. Ўқитувчилар соҳага оид луғат базасига киришда ёки ўз матнларини яратишларида корпус лингвистикаси воситаларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Корпус лингвистикаси воситалари ўқитувчиларга:

- аниқ бир соҳага тўғридан-тўғри алоқадор сўзлар ва яқин бўлган сўзлар базасини тузиш;
- янги сўзларни контекстда қўлланилишини кузатиш (масалан, тез-тез қўлланиладиган ва учрайдиган иборалар частотасини қўлланиш даражасини ҳисоблаш, номаълум лексик элементларнинг аутентик матнлардаги маъносини аниқлаш;
- ўқитувчилар ва ўқувчиларда савол-жавоб орқали тилни ўрганишга асосланган таълим ёндашувини рағбатлантириш имконини беради.

Турли хил соҳа йўналишларининг хусусиятлари инобатга олинса, ушбу лингвистик корпус воситалари айниқса фойдалидир.

**Кўшимча ҳаволалар:** Боултон(2016), Соҳхед(2000) ва Нелсон.

### 1.6. XXI аср кўникмалари

Янги ўкув дастурнинг муҳим мақсадларидан бири-бу иш жойида қўлланиладиган замонавий ва самарали тил кўникмаларини ривожлантиришдан иборатdir. Тил кўникмаларини ривожлантириш билан бирга мазкур фан қўйидаги ижтимоий ва когнитив кўникмаларни ривожлантиришни мақсад қилади. Бунга дарсни пухта режалаштириш орқали эришилади.

- ҳамкорлик: талабаларга мақсадга эришиш учун биргаликда харакат қилишни, жумладан, қўшма лойиҳалар, ўзаро тақриз бериш, гурухларда ишлаш орқали;
- тадқиқотчилик: мустақил равища керакли маълумотларни ва материалларни излаш, шу жумладан, интернет тармоғи орқали керакли маълумотларни топиш ва саралаш;
- танқидий фикрлаш: қарор қабул қилиш учун мустақил равища вазиятни ва муаммони тахлил қилиш ва баҳолаш;
- муаммони ҳал этиш: қийин ва мураккаб масалаларга ечим топиш
- ижодкорлик: бирор нарсани яратиш учун тасаввурдан фойдаланиш ёки асл ғояларни қўллаш (ролли ўйинлар, постерлар, фильмлар);
- таълим олиш кўникмалари: таълим олишнинг турли методларидан хабардор бўлиш ва тил ўрганишнинг самарали стратегияларини танлаш;
- хилма-хилликни қўллаб-қувватлаш ва қадрлаш: синфда ва синфдан ташқаридаги реалликни тушуниш, шу жумладан маданиятлараро мулоқот, таълим олишнинг чегараланган имкониятлар ва тўсиклар кабилардан хабардор бўлиш;
- мулоқот қилиш кўникмалари: мулоқотни янада самарали қилиш ва сұхбатдошларингизни фаол тинглаш қобилиятини ошириш

- инглиз тилини глобал тил сифатида ўрганиш: инглиз тилини мулокот тили сифатида муҳимлигини англаш.

**Құшимча хаволалар:** Ұз-ұзини баҳолаш йүрикномаси

### **1.7. Тилни ўқитиша АКТдан фойдаланиш**

Дунёда рўй бераётган ўзгаришлар ва Президентнинг 2017 йилдаги олий таълимни ислоҳ этиш тўғрисидаги қарори таълимда "сўнгги инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш" ва АКТ (Ахборот ва КоммуникацияТехнологиялари) ни самарали қўллашни тақозо этади. Хорижий тилларни ўқитиши жараёнида АКТдан фойдаланиш бугунги кунда TELL (Technology Enhanced Language Learning) деб кенг тарқалган соҳа сифатида маълумдир. Ушбу интеграция ахборот ва коммуникация инқилобининг бир қисмидир ва бу ўз навбатида мамлакатларга глобаллашган дунёда фаол иштирокчи бўлишларига ёрдам беради. АКТ эса, бир вактнинг ўзида ўқитиши методига, қўлланиладиган ресурсларга ва баҳолашга сезиларли таъсир кўрсатади.

Олий таълим муассасалари фанга АКТни кенг қўллашда вақт ва ресурсларнинг етарли эканлигини инобатга олиш керак бўлади. Бунда АКТни самарали қўллашда қўйидаги омиллар таъсир кўрсатиши мумкин:

#### **1. Ўқитиши методи ва ўқитувчининг роли**

- ўқитувчилар қўпроқ фасилитатор ролини бажарадилар;
- талабаларни мустақил таълим орқали автономлигини оширишни рағбатлантириш Flipped ёндашувга асосланган таълимни қўллаш, масалан талабалар дарсга келишдан олдин янги мавзу билан онлайн танишиб, аудиторияда билимларини янада мустаҳкамлашлари керак бўлади;
- талабалар мустақил тарзда онлайн изланиш ва тадқиқот олиб борадилар;
- талабалар томонидан ўз электрон-техник курилмаларини дарсда қўллай олиш имконияти мавжуд бўлади.

#### **2. Ўкув материалларининг таъсири**

- интернетда турли соҳаларда инглиз тилини ўқитиши учун мўлжалланган аъло даражадаги манба ва материаллар тавсия қилинганлигини инобатга олиб, ушбу манбалардан фойдаланиш учун ўқитувчиларнинг интернетдан фойдалана олиш имкониятлари кенг бўлади;
- манбалар, ўкув материаллари ва дарс ишланмаларининг самарали сақланиш тизими яратилади;

- ўқитувчи ва талабаларнинг аутентик материаллардан фойдалана олиш кўнималарини шакллантириш бўйича қўшимча тренинглар ташкил қилинади.

### **3. Баҳолашнинг таъсири**

- ўқитувчилар онлайн тестларни қўллашлари мумкин бўлади;
- талабаларнинг тил кўнималарини онлайн баҳолашда ўқитувчилар етарли малакага эга бўладилар.

### **4. Кўнималар аудити**

- ўқитувчи ва талабалар АҚТдан фойдаланишда етарли билим ва кўнималарга эга бўладилар;
- ОТМ томонидан илхор ахборот технологияларини қўллашда талабалар ва ўқитувчиларда қайси кўнималар етарли эмаслиги аниқлаб борилади ва уларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ташкил этилади.

### **5. Интернетдан фойдаланиш**

- таълим муассасаси керакли технологиялар ва соҳа мутахассислари билан таъминланган бўлади.

### **6. Ресурсларни, шу жумладан материаллар, дастурлар, бошқарув тизимларини ривожлантириш.**

- таълим муассасаси таълим бериш ва таълим олиш учун янги материаллар, дастурлар, методик ишланмалар билан таъминланади.

**Кўшимча ҳаволалар:** 1) АҚТдан фойдаланиш; 2) аутентик материаллар билан ишлаш; 3) 4.4. бўлим (ўқув материални танлаш ёки яратиш)

### **2. Фаннинг мақсади**

Фаннинг асосий мақсади талабанинг бўлғуси илмий ва касбий фаолиятини муваффақиятли амалга оширишида керак бўладиган мулокот тил кўнималари ва малакасини ҳалқаро талаблар (жумладан, CEFR) даражасида ривожлантиришдан иборат (1 жадвал).

**2.1. Чет тилида коммуникатив компетенция- мақсад қилинган тилда алоқа ўрнатиш қобилияти ва тайёрлигини;** ушбу тил қўлланиладиган мамлакатлар маданияти ва контекстлар хақида тушунчага эга бўлишликни; ва ўз мамлакатининг маданиятини хорижий тилда тақдим эта олиш қобилиятини англатади. Мазкур дастурда куйидаги коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш кўзда тутилган:

**Лингвистик компетенция** - бу тил аспектларини (фонетика, лексика, грамматика) бошқалар билан мулокотда қўллаш қобилияти. Чет тилидан, масалан инглиз тили турли хил тилларда сўзлашадиган одамлар билан мулокотда асосий лингва-франка (боғловчи тил) бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу сабабли ўқитувчиларга талабалар инглиз тилидаги мос

келадиган турли бой манбалар билан таништиришлари тавсия етилади. Масалан: ҳиндлар, немислар, хитойликлар, корейслар, турклар ва араблар томонидан қўлланиладиган инглиз тили материалларини тақдим этишлари мумкин.

**Социолингвистик компетенция** - бу академик / касбий коммуникатив вазиятга, мақсадга ёки талабга мувофиқ келадиган тил формалари ва усулларидан хабардор бўлиш ва мос келадиганини танлай олиш қобилиятига эга бўлишdir.

**Прагматик компетенция** - фойдаланувчи /тил ўрганувчи мухим нутқ тамойилларини қай даражада билиши билан боғлиқ бўлиб, унга мувофиқ тузиладиган нутқнинг, хабарларнинг:

- а) таркиб, тартиб ва тузилиши жиҳатидан мукаммал бўлиши (Discourse competence);
- б) турли алоқа функцияларини бажариш учун қўлланилиши (Functional competence);
- в) турли академик/профессионал жанрлардаги интерфаол ва транзакцион схемалар ёки ҳаракатларга мувофиқ бўлиши (Design competence) назарда тутилади.

**Плюралингвал (қўптили) ва қўпмаданиятли компетенциялар** - талabalарнинг турли тиллар ва маданиятларга мурожаат қила олиш қобилиятини англатади. Талabalар:

- а) турли маъruzачиларнинг коммуникатив компетенциясига қизиқиш билдирадилар;
- б) турли тилларда гапирувчиларнинг маданиятига қизиқиш билдирадилар;
- в) маданий фарқларни хисобга олган ҳолда сухбатдошига мос равища эҳтиёткорлик билан мулоқотга кириша оладилар.

**Қўшимча ҳаволалар:** жанрлар таҳлили бўйича ҳаволалар

**2.2. Тилни глобал қўллаш (Global language performance)** бу хорижий тилни бир қатор умумий мақсадлар хамда кундалик хаёт учун қўллай олишни назарда тутади. CEFR (УЕТК) хужжатида ушбу формат (ўлчов) хорижий тилни қўллашда но-мутахассис бўлган тил ўрганувчини тилга ўргатишда ўқитувчилар хамда дастур тузувчилар нималарга амал қилишлари кераклиги ҳақида маълумот келтирилган. Тилни глобал контекстда қўллай олиш малакаси мазкур халқаро хужжатда б та даражаларда (A1-C2) тавсифланган.

**2.3. Тил күникмаларини ривожлантириш.** Тил күникмалари үз ичига тушуниш малакалари, яъни тинглаб тушуниш ва ўқиб тушуниш ҳамда мулоқот малакалари, яъни гапириш ва ёзиш күникмаларини олади. Шунингдек, CEFR (УЕТК) кўрсаткичлари гапириш күникмасини *диалогик* ва *монологик нутқга* ажратган холда тил күникмаларининг қуидаги бешта тури бўйича тавсифланади:

- Оғзаки нутқ: гапириш (диалогик нутқ)
- Оғзаки нутқ: гапириш (монологик нутқ)
- Тинглаб тушуниш
- Ўқиш
- Ёзиш

Қуида келтирилган 1-жадвал CEFR стандартидан олинган компетенцияларни ҳавола этади:

<b>Коммуникатив тил эхтийжлари</b>	мисоллар: эълон, катта аудиторияга, оммага мурожаат қилиш	мисоллар: товар ва хизматлардан фойдаланиш, телеқоммуникациядан фойдаланиш	мисоллар: жонли аудиторияда тинглаб тушунниш, эълон ва курсатмаларни тинглаб тушунниш	мисоллар: курсатмалар, йўриқномаларни ўқиб тушунниш	мисоллар: ҳисобот ёзиш, иншо ёзиш, хат ёзиш
	(CEFR 2001: 60)	(CEFR 2001: 80; CEFRX 2016: 35)	(CEFR 2001: 67)	(CEFR 2001: 69 & 71)	(CEFR 2001: 62 & 83)

<b>Қўллаш (PERFORMANCE) шкаласи</b>	<b>Тил кўниммалари</b>	Оғзаки нутк (монолог) (CEFR 2001: 58)	Оғзаки нутк (диалог) (CEFR 2001: 74)	Тинглаб тушуниш (CEFR 2001: 66)	Ўқиб тушуниш (CEFR 2001: 68)	Ёзиш (CEFR 2001: 60)
---	------------------------	---	---	------------------------------------	---------------------------------	-------------------------

### Глобал тилни қўллаш

Тилни глобал контекстда қўллаш (GLOBAL LANGUAGE PERFORMANCE)  
(CEFR 2001: 24)



### Компетенциялар шкаласи

### Коммуникатив тил компетенциялари

Лингвистик КОМПЕТЕНЦИЯЛАР Лингвистик турли-туманлик	Социолингвистик компетенциялар Социолингвистик мувофиқлик	ПРАГМАТИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАР Тартибга риоя килиш (turn-taking)	КУП ТИЛЛИЛИК ВА МАДАНИЯТЛАРО КОМПЕТЕНЦИЯЛАР Маданиятларо репертуаридан унумли фойдаланиш Кўп тиллиликда мулоқот кила олиш
Сўз бойлиги Сўз ва сўз биримларидан тўғри фойдалана олиш	Ижтимоий муносабатларни ўрната олиш	Тартибга риоя килиш (turn-taking)	Мавзуни ривожлантира олиш Гаплар ва гоялар-даги кетма-кетлик ва боғликллик Таклифни аник баён этиш
Грамматик жиҳатдан тўғри гап тузиш Таллафуз	Хушмуомилалик Турли регистр (расмий ва норасмий)		
Саводхонлик	Диалектлар ва акцентлар		
	Ҳалқ иборалари, маколалари кабиларни қўллай олиш		
	(CEFR 2001: 108-18)	(CEFR 2001: 118-22)	(CEFR 2001:123-30)
			(CEFR 2001: 133-34; CEFR 2016: 71-73)

1-жадвал. Тил компетенциялари ва уларни амалда қўллаш қўлами

## **2.4. Талаба эгаллаши керак бўлган билим, кўнига ва малакалар**

Ҳалқаро CEFR ҳужжатида тил ўрганувчининг эҳтиёжига мос келувчи вазифа турлари келтирилади, бироқ билим, кўнига ва малакаларни аниқ белгилашда тил ўрганувчининг контекстидан келиб чиқиб, унинг тилни қўллашга бўлган эҳтиёжлари янада чуқурроқ ўрганилгани мақсадга мувофиқ.

Мазкур бўлимда энг асосий *Академик ва касбий тил эҳтиёжлари* рўйхати келтирилиб, талабалар фан якунида таълим ва касбларида мос келадиган натижаларни қўлга киритишлари назарда тутилади. Ушбу рўйхат 2016-2017 йилларда лойиҳанинг бошланғич босқичи доирасида мамлакатимиз 30 дан ортиқ ОТМларида турли соҳа битирувчиларининг инглиз тилидаги эҳтиёжларини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровнома натижаларига асосланади. Тадқиқотда турли йўналиш талабалари иштирок этганлигини ҳисобга олсак, қуйидаги якуний жадвалда энг кўп танланган 50 та тил қўникмалари жамланган. Йўналишлар бўйича ишчи дастур тузилаётганда талабаларнинг тилни ўрганишдаги мақсадидан келиб чиқсан холда мос қўникмалар ушбу жадвалдан танланиши тавсия этилади. Жадвалда келтирилган қўнига ва малакалар вазифа кўринишига айлантирилганда, хаётый, реал коммуникатив вазифаларга ўзгаради (жумладан, e-mail ёзиш, илмий мақола ўқиши, маъруза ёки тақдимотни тинглаб тушуниш, телефонда мулоқотга кириша олиш ва бошқалар).

2-жадвал

### **Академик ва касбий тил эҳтиёжлари**

Кетма кетлик (энг кўп белгиланга нилк даражаси бўйича)	Билим, қўнига ва малакалар бўйича эҳтиёжлар
1	Касбига оид чиқишлиар, маъruzalap, taqdimotlarни tinglab tushuna olish
2	Slайдларда, kogozda taqdim etilaётgan maъlumotlarни tinglab, maъruzachinинг sўzlariiga amal қилиб boriш (masalan maъruzalarda, yigiliishlarda, seminar va konferensiyalarnda)
3	Maъlumot resurslarini ўқий olish (lugat, Yellow Pages, Wikipedia kabilar)
4=	Kasbiga doir telefon muлоқотni tinglab tushuna olish
4=	Kasbi, bajaradigan vazifalari, iш шароити ҳақида maъlumot bera olish
6	Kasbiga oид/taъlim bilan boglik elektron xatlarni ўқий olish
7	Ilmий amaliy maқolalarni va abstraktlarni ўқий olish
8	Taъlim muassasasi, iш жойи, ofisisi, laboratoriyaси, iшlab chiқaradigan maxsuloti ҳақида maъlumot bera olish (ingлиз sўzlashuvchisiga)
9	Шакллар ва formalarни тўлдира olish
10=	Постерларни ўқий olish (kўrgazmalar ва konferensiyalarda)

	<b>Билим, күнікма ва малакалар бүйічә эктиёжлар</b>
Кетма кетлик (энг күп белгиланга нлик даражаси бүйіч)	
10=	Касбга доир телефон мулқотта кириша олиш
12	Ұзи ҳақида резюме тайёрлай олиш (ишга жойлашишда, танловларда иштирок этишда)
13	Профессионал/техник мақолаларни ўқий олиш
14	Касбга доир китобларга берилған тақризларни ўқий олиш
15	Касбидан келиб чиқкан ҳолда маъруза, тақдимот қила олиш (зарурият бұлғанда слайдлар, тарқатма материаллар тайёрлай олган ҳолда)
16	Жиҳоз-ускуналарни тасвирлай олиш, ишлаш усулини тушунтира олиш
17	Касбга оид ва илмий китобларни ўқий олиш
18	Нархлар рүйхатини ва каталогларни ўқий олиш
19	Илмий маърузаларни тинглаб тушуна олиш
20	Резюме ва СУларни ўқиб, керакли маълумотларни ола билиш
21	Илмий мунозараларда, семинарларда иштирок эта олиш
22	Таълим соҳасида зарур бұлған дарсліктерни ўқий олиш
23	Махсулот/сервис таърифини, дизайн хусусиятларини ўқиб тушуна олиш
24=	Реклама-эълонларни (ишга жойлашиш, махсулот бүйіч) ўқиб тушуна олиш
24=	Касбга оид/ўқиши билан боғлиқ электрон хаттарни ёза олиш
26	Касбга оид/ўқиши билан боғлиқ хаттарни ўқий олиш
27	Күрсатмалар ва огохлантиришларни (масалан, хавфсизлик тартиб-қоидалари, құллаш, фойдаланиш күрсатмаларини) тинглаб тушуна олиш
28=	Жиҳоз-ускуналар, жараёнлар, машиналар ва х.к.га таъриф ва изоҳ бера олиш
28=	Маъруза/тақдимотларни тинглаб тушунған ҳолда мұхим жойларини қайд қилиб бориши (масалан, йиғилишларда, трейнинг ва семинарларда)
30	Таклифлар ва тавсияларни ўқий олиш
31	Музокараларда иштирок эта олиш
32	Илмий йиғилишларда, семинарларда үз фикрини баён эта олиш
33	Касбга ва таълим олиш билан боғлиқ, шу жумладан, ишга жойлашиш билан боғлиқ, грант ютиб олиш бүйіч, ТВ, радио ва пресса учун интервьюларда саволларга жавоб берса олиш
34	Фойдаланиш бүйічә құлланмалар, күрсатмалар, хавфсизлик йүриқномалари, огохлантирувчи белгиларни ўқиб тушуна олиш
35	Илмий-амалий мақолалар ва абстрактлар ёза олиш
36	Касби билан/таълим билан боғлиқ хаттарни ёза олиш
37	Касби билан/таълим билан боғлиқ мақолаларни ёза олиш
38=	Иш мажбуриятлари, профилларни ўқий олиш
38=	Слайдлар, тарқатма материаллар матнини тайёрлай олиш (масалан, тақдимотлар, маърузалар, йиғилишлар учун)
40	Маъруза қылғанда тарқатма материаллар ва АҚТдан фойдалана олиш (семинар, конференция, күргазмаларда)
41	Таклифлар ва тавсиялар матнини ёзма тайёрлай олиш
42	Оғзаки йүриқнома бера олиш ва огохлантира олиш (масалан, фойдаланиш бүйічә күрсатмалар, хавфсизликка амал қилиш бүйічә күрсатмалар)
43	Иш фаолияти, иш мажбуриятлари, профилларни ёза олиш
44	Шакллар, қайднома формаларини тайёрлай олиш

Билим, кўникма ва малакалар бўйича эҳтиёжлар	
Кетма кетлик (энг кўп белгиланга нлик даражаси бўйича)	
45	Касбга доир/техник ҳисоботларни ўқий олиш
46	Махсулот/сервизга таъриф хамда дизайн хусусиятлари бўйича маълумотлар ёза олиш
47	Аризалар ва тендерда иштирок этиш учун илтимосномалар ёза олиш
48	Ўқиш ва касби билан боғлиқ қайдномалар, ички ёзишувларни ўқиб тушуниб жавоб бера олиш
49	Касбга оид консультациялар, маъruzалар ва мунозараларда ўз фикрини баён эта олиш
50	Аризалар ва тендерда иштирок этиш учун илтимосномалар ёза олиш

### 3. Мухим талаблар

Ушбу бўлимда, талабаларнинг тил билиш даражаларига қўйилаётган талаблар тўғрисида батафсилроқ маълумотлар келтирилган, шунингдек ўқитувчига қўйиладиган талаблар ҳақида ҳам сўз боради.

#### 3.1. Ўқитувчиларга қўйиладиган талаблар

Тил ўқитувчиларига бўлган талаблар давлат чет тилига бўлган стандартда келтирилган бўлиб, унга кўра, олий таълим тизимида инглиз тили ўқитувчининг тил билиш даражаси С1 бўлишини тақозо этади. Бироқ ислоҳотлар даврида барча ўқитувчилар хам бу даражани намойиш эта олмасликлари мумкин. Шунинг учун улардан мазкур дастурни муваффакиятли тадбик этишлари учун ўз устиларида кўпроқ ишлашлари талаб этилади. Жумладан, ўқитувчилар учун ОТМлар томонидан курс яратишида технологиялардан фойдаланиш (TELL), аудиторияда ва онлайн фойдаланишга мос келувчи ўкув материалларни ва баҳолаш топшириқларини яратиш, коммуникатив кўникмалар ва таълим олиш кўникмаларини ўргатиш кабилар бўйича қўшимча тренинглар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир ва бу жараёнга жойлардаги лойихада иштирок этган ўқитувчиларни кенг жалб этиш мумкин бўлади.

Шунингдек, мазкур фан ўқитувчилари хорижий тил мутахассислиги эгалари бўлиб, улардан талаба эгаллаётган соҳанинг билимдони бўлиш талаб этилмайди. Бироқ ушбу йўналиш бўйича баъзи маълумотларга эга бўлиш, энг мухим концепцияларидан хабардор бўлиш тилни самарали ўқитишида қўл келиши аниқ.

### **3.2. Талабаларга қўйиладиган талаблар**

Нофилологик йўналишлардаги барча талабалар ОТМга кириш босқичида чет тилидан В1 даражани эгаллашлари талаб этилади. Ўзбекистон Давлат Вазирлар Махкамасининг таълимнинг турли босқичларида битирувчи эгаллаши керак бўлган тил компетенциялари белгиланган бўлиб, унга мувофиқ но-филологик йўналишдаги бакалавр битирувчиси учун CEFR бўйича В2 даражаси белгиланган. Бироқ бу узок муддатли мақсад бўлиб, лойиҳанинг бошланғич йилларида мазкур ўқув дастурида берилган тил кўникмалари ва малакаларини минимум В1(+) даражада эгаллаган бакалавр битирувчисининг натижалари хам ижобий натижа сифатида қабул қилиниши лозим. Шунга кўра, фан якунига кўра битирувчи талабалардан тил кўникмалари бўйича қўйидаги CEFR даражаларини эгаллашлари кўзда тутилмоқда.

3-жадвал

### **CEFR бўйича тил кўникмалари**

Тинглаб тушуниш	
B2	<p>Оммабоп таниш мавзулардаги аниқ стандарт нутқни, нисбатан секин ва аниқ тилда олиб бориладиган радио ва теле янгиликлар дастурларни, шахсий, ижтимоий, таълимга ва касб-хунарга оид таниш ва нотаниш мавзуларни тушуна олади.</p> <p>Стандарт тилда баён этилган конкрет ва абстракт жумладан, ўз мутахассислиги доирасидаги касбга доир мунозаралар ҳақидаги мазмун ва лингвистик жихатдан мураккаб бўлган матнларнинг асосий ғоясини тушуна олади.</p> <p>Кенг қўламли нутқ ва қатор мураккаб, бироқ бир оз бўлсада, таниш бўлган фикрлар баёнини тушуниб, аниқ оғзаки нутқ белгиларини кузата олади.</p>
B1	<p>Таниш бўлган акцентда тушунарли қилиб ифода этилган кундалик ёки касбига доир мавзулардаги аниқ фактларга асосланган маълумотларни тинглаб, асосий ғоясини хамда тафсилотларини аниқлай олган ҳолда тушуна олади.</p>
Оғзаки нутқ (диалог)	
B2	<p>Умумий, таълимга оид, касбига доир ва дам олиш каби қатор мавзуларда фикрларни тўғри боғлаган ҳолда равон, эркин, хатоларни кам қилган ҳолда самарали мулокотга кириша олади.</p> <p>Грамматик хатоларни кам қилган ҳолда хамда кенг қўламли лексик репертуарга эга бўлган ҳолда ўз фикрини бойитиб, тингловчининг компетентлик даражасини инобатга олган ҳолда сўззамоллик билан сухбатларга алоҳида тайёргарлик кўрмасдан, спонтан кириша олади.</p> <p>Шахсий қизиқишлари ва касбига доир таниш ва нотаниш мавзуларда кийинчиликсиз мулокот қила олади.</p>
B1	<p>Шахсий қизиқишлари ва касбига доир таниш ва нотаниш мавзуларда ўзига ишонч билан кийинчиликсиз мулокот қила олади.</p> <p>Маълумот алмашиш, маълумотни текшириш ва тасдиқлай олиш, муаммони</p>

тушунтириб бера олиш ва уни ҳал қилиш йўлларини таклиф қила олиш малакаларидан фойдалана олади.

Маданият, кино, адабиёт, мусиқа каби абстракт мавзуларда ўз фикрларини баён эта олади.

Ушбу тилда сўзлашадиган жойларга саёҳат қилганда вужудга келиши мумкин бўлган аксарият вазиятларда бемалол сўзлаша олади.

Таниш ва шахсий қизиқишларга доир кундалик мавзуларда (жумладан, оила, қизиқишлар, касби, саёҳат, кундалик воқеалар) ўз нуқтаи назарини баён этган ҳолда ҳамда керакли маълумот алмашиб орқали алоҳида тайёргарлик кўрмасдан мулоқотга кириша олади.

#### Оғзаки нутқ (монолог)

B2	Алоҳида жиҳатларга ургу берган ҳолда далиллар ва мисоллар келтириш орқали аниқ ва тизимли тайёрланган маъруза ва яхши тузилган презентация қила олиши ўз қизиқишлари ва соҳасига доир кенг мавзуларда ўз фикрини батафсил тафсилотлар ва мисоллар келтириш орқали бойитган ҳолда тафсилотлар ва тақдимотлар қила олиши
B1	Ўз соҳасидаги турли хил мавзулардан бири ҳақида ходисалар ва тавсифларни мантикий кетма-кетлиқда қўйиб чиқкан ҳолда аниқ ва равон гапириб бера олади.

#### Ўқишиш

B2	Турли матн ва мақсадлардан келиб чиқкан ҳолдаҳамда ёрдамчи манбалардан (масалан луғат) фойдаланган ҳолда ўқишининг тезлигини мослаштириш орқали мустакил равишда матнни тушуна олади. Баъзи вазиятларда кам қўлланиладиган идиомаларнинг маъносини тушунишда кийинчиликка учрасада, кенг қўламдаги фаол (актив) сўз бойлигини эгаллаган.
B1	Соҳасига доир мавзуларда аниқ фактларни ўз ичига олган матнларни ўқиб, кониқарли даражада тушуна олади (бирмунча узун ва мураккаб матнларни қийин жойларини қайта ўқишиш имкониятини қўллаган ҳолда)

#### Ёзишиш

B2	Ўз мутахассислигига оид бўлган мавзуларда турли манбалардан олинган маълумотларни синтез қилиш ва саралаш орқали аниқ, батафсил ва яхши структурага эга матнларни туза олади.
B1	Соҳасига доир кенг мавзуларда жумлаларни ва фикрларни тўғри боғлаган ҳолда аниқ ва тизимли тайёрланган матн туза олади.

#### 4. Ўқув дастур билан ишлаш

1-3 бўлимларда LSP янги ўқув дастурида амал қилиниши керак бўлган муҳим тамойиллар қўриб чиқилди. Ушбу бўлимда ўқув дастурлари, методологик ишланмалар, ўқув материаллари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишида асосий тамойилларни қўллаш бўйича амалий тавсиялар

келтирилган бўлиб, улар CEFR (2001: 7) стандартидаги курс яратишнинг қуидаги еттита таркибий қисмларига мувофиқ келтирилган:

- эҳтиёжларни аниқлаш;
- мақсадларни аниқлаш;
- мазмунни аниқлаш;
- материалларни танлаш ёки яратиш;
- йўналишлар бўйича ўқув дастурини тузиш;
- тадбиқ этиладиган ўқитиш ва тил ўрганиш усуллари;
- баҳолаш, тест ва назорат.

**Кўшимча ҳаволалар:** Умумевропа тил кўникмалари компетенцияси(CEFR)халқаро стандарти; Ишчи ўқув дастурини яратиш бўйича кўрсатмалар

#### **4.1. Талабанинг тилдаги эҳтиёжини аниқлаш**

Йўналиш бўйича дастур тузилаётганда мазкур дастурнинг **Тил эҳтиёжлари** қисмида берилган (2-жадвал) рўйхатдан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда ҳар бир семестр ёки ўқув йили бўйича талабалар, соҳа ўқитувчилари ва иш берувчилар билан маслаҳатлашишлари мақсадга мувофиқдир (йўналишлар бўйича намуна тарзида берилган дастурларга хам каралсин).

#### **4.2. Фан мақсадини тайёрлаш**

Йўналиш бўйича билим, кўникма ва малакалар рўйхати тузилаётганда лойиха доирасида ўтказилган тадқиқот натижалари асосида тузилган **Тил эҳтиёжлари** рўйхатидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда ҳар бир кўникма ва малака CEFR келтирилган тил билиш даражаларига мос равиша ‘can-do’ (“қила олади”) шаклида тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳаволалар: Кўшимча Хужжат: йўналишлар бўйича ўқув дастурни яратиш

#### **4.3. Фан мазмуни**

Ҳар бир йўналиш бўйича курс мазмуни лойиха доирасида ўтказилган тадқиқот натижалари асосида тузилган **Тил эҳтиёжлари** рўйхатига асосланиши лозим. Курс мазмуни талабаларнинг таълим йўналиши ва соҳасидан келиб чиқсан ҳолда танланади ва соҳа йўналишлари бўйича тайёрланадиган ишчи дастурларнинг мазмуни модуллар кўринишида тузилади. Ҳар бир модул ушбу соҳада чет тилини кўллашда муҳим бўлган маъноли битта яхлит мавзуни қамраб олиши керак. Масалан Туризмда: *Tur va saёҳатларни ташкил этиши ёки Хавфсиз туризм*; Машинасозлик соҳасида: *Техника билан ишлиш ва хавфсизлик қоидалари*. (1- илова: ишчи дастур намунасига қаралсин).

#### **4.4 Ўқув материалларни танлаш ёки яратиш**

Йўналишлар бўйича ишчи дастур тузилиб, мақсад ва мазмун белгилаб олингандан сўнг, ўқитувчилар ўқув материаллари, дарс

ишилнамалари ва тарқатма материаллар тайёрлайдилар. Танланнаётган ва яратилаётган материаллар мазкур дастурда келтирилган маҳсус мақсадларда инглиз тилини ўқитиш тамойилларига асосланиши лозим. Курсни ўқитишда фақат битта дарслерка асосланиш нотўғридир. Хорижий тил ўқитувчилари интернет ва бошқа манбалардаги фаннинг энг сўнгги янгиликларини инобатга олган аутентик матн ва аудио/видео материаллардан фойдаланишлари, шу жумладан, миллий, ҳалқаро манбалар, интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда тайёрлашлари мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ҳозирда турли соҳаларда хорижий тилни ўқитишга оид интернет тармоғи ва дарслерклар бўйича жуда бой манбаалар базаси мавжуд.

Шунингдек, ўқитувчилар тайёр тасия этилаётган аудио, видео файлларни таҳрирлаш ва ўзгартириш киритиш ёки талабаларни лойиҳа устида ўзаро ҳамкорликда ишилшларини рағбатлантириш учун фойдали бўладиган жуда қўп онлайн воситаларни (масалан, wiki, Sketch engine, H5p, audacity) кўллаган ҳолда материаллар тайёрлашлари мумкин

**Кўшимча ҳавола:** 1) Аутентик (реал) материаллардан фойдаланиши. 2) Дастурни тадбиқ этишида технологиядан фойдаланиши.

#### **4.5. Йўналишлар бўйича ишчи ўқув дастурини тузиш**

ОТМлар бўйича тузиладиган ишчи дастурлар ва янги яратилаётган ёки танланнаётган ўқув материаллари икки босқичда тайёрланади:

1. Умумий мақсадларга йўналтирилган хорижий тил (Language for General Purposes, LGP)

- умумий мулокот ва кундалик хаёт мақсадлари учун мўлжалланган хамда олий таълим босқичигача бўлган таълимда (мактаб, лицей) шакллантирилган тил кўникмалари ва компетенцияларини A2+даражадан юқорига кўтариш;
- талабани барча тил кўникмалари бўйича соҳасига оид мулокотга тайёрлаш.

2. Маҳсус мақсадларга йўналтирилган хорижий тил (Language for Specific purposes, LSP) ёки қасбий ориентация босқичи талабанинг тил кўникмаларини ўз соҳасидан келиб чиқсан ҳолда ривожлантиришдан иборат. Бунда дастур кенгроқ қўламда ёки торроқ доирада тайёрланиши мумкин:

- кенг қамровли дастурлар соҳанинг бир неча тармоғини ва уларга тегишли мутахассислик фанларини қамраб олади (Умумий академик / профессионал мақсадларни кўзда тутади);

- төр қамровли тил дастурлар соҳанинг маълум бир тармоғи ва уни ўргатувчи маълум бир фанга мослаштирилган бўлади (маълум бир академик / касбий мақсадларда тилдан фойдаланиш).

Йўналишлардан келиб чиқиб тузиладиган ишчи дастурлар ўқитувчиларнинг асосий иш хужжатлари ҳисобланади. ОТМлар томонидан йўналишлар/соҳалар бўйича ўкув дастурлар тайёрланганда мазкур намунавий дастурга асосланган ҳолда фаннинг мақсад ва вазифалари, кутилаётган натижалар, мазмун ва мавзу ҳамда ўқитиш ва баҳолаш усулларига қўйилган талаблар инобатга олган ҳолда тузилиши керак бўлади. Ишчи дастурлар талабалар фикри. ОТМдаги ресурсларнинг ва технология имкониятларининг янгиланиши, кафедра аъзолари томонидан фанни ўқитилишидан чиқарилган ҳолосаларга кўра қайта кўриб чиқилиши ва талабга кўра янгиланиши мумкин.

**Қўшимча ҳаволалар:** 1)Ишчи дастурларни тахлил қилиш бўйича кўрсатмалар, 2) йўналишлар бўйича намуна дастурлари (1-иловага қаралсии)

#### **4.6. Тадбиқ этиладиган ўқитиш ва тил ўрганиш усуллари**

Йўналишлар бўйича ўкув дастури *Коммуникатив тил ўқитиши ёндашувига*, шу жумладан унинг *талаба-марказда* тамойилига ургу берилган ҳолда тузилиши лозим.

Ўкув дастурини тайёрлашда қўлланиладиган таълим бериш ва таълим олиш усуллари ушбу намунавий дастурнинг 1.1.-1.7. бўлимларида келтирилган тавсияларга асосланган бўлиши лозим.

**Қўшимча ҳаволалар:** 1)Тил ўқитишида АҚТдан фойдаланиш; 2) *Ўз-ўзини баҳолаш*; 3) *Мустақил таълимни ташкил этиши*

#### **4.7. Баҳолаш, тест ва назорат**

Фанда талабалар билим ва кўникмаларини баҳолашда асосий 2 та тан олинган шаклларидан фойдаланилади: **форматив** (жорий ва оралиқ жараёнларда талаба намойиш этаётган билим ва кўникмаларини баҳолаш) ва **сумматив** (талаба фанда эришган якуний натижани баҳолаш).

Ўкув дастурга алоҳида хужжат сифатида *Баҳолаш бўйича кўрсатмалар*(инглиз тилида) ишлаб чиқилган. Кафедра аъзолари билан баҳолаш бўйича топшириқлар режалаштириш жараёнида келтирилган кўрсатмалар, аутентик ва замонавий баҳолаш топшириқлари намуналари ва намунавий баҳолаш мезонларига асосланишлари ҳамда ушбу намуналардан келиб чиқсан ҳолда ўз талабаларининг эҳтиёжлари ва касбий контекстига мос келувчи баҳолаш топшириқларини тайёрлашга ўрганишлари кўзда тутилган.

ОТМлар томонидан ишчи дастур тузилаётганда баҳолаш алоҳида компонент сифатида эмас, балки ўқитиш жараёнинг ажралмас қисми сифатида қаралиши лозим. Баҳолаш топшириқлари ва турлари дарсларда фойдаланилган ўқув материалларга, кўлланилаётган методларга ва коммуникатив тил топшириқларига (масалан, *портфолио, дебат, лойиҳа иши*) асосланиши кўзда тутилган. Тузилаётган баҳолаш топшириқлари талабанинг тўртта (ўқиш, ёзиш, гапириш, тинглаб тушуниш) тил кўникумаларини баҳолаш имконини беришига эътиборни қаратиш лозим. Шунингдек, топшириқларни баҳолашда CEFR (УЕТК)да келтирилган куйидаги икки тамойилни инобатга олган холда тайёрланади:

**Даражалар:** Якуний баҳолаш натижалари CEFR (УЕТК)нинг даражалари (A1, A2, B1, B2, C1, C2) билан мувофиқлантирилиши керак ва бу ўз навбатида талабанинг тилни амалда қўллай олиши билан боғлиқ ютуқ ва камчиликлар таснифини хамда уларни бартараф қилиш бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олган шаклда бўлади.

**Мезонлар:** CEFR оғзаки ва ёзма нутқни баҳолаш бўйича маълум бир мезонларни тавсия этади. Ушбу мезонлар талабага эришган ютуқ ва камчиликлари ҳақида аниқ маълумот беришда жуда қўл келиши мумкин.

4- жадвал

#### CEFR баҳолаш мезонлари

Оғзаки нутқ	Ёзма нутқ
Тил кўлами (сўз ва гап турлари хилма-хиллиги)	Тил кўлами (сўз ва гап турлари хилма-хиллиги)
Аниқлик (хатолардан холилиги)	Аниқлик (хатолардан холилиги)
Равонлик	Боғлиқлик, мувофиқлик
Мулоқотга кира олиши	Тасвирлаб ёза олиш
Боғлиқлик, мувофиқлик	Далиллар билан бойитганлиги
<b>Умумий балл</b>	<b>Умумий балл</b>

Мустақил таълим учун берилган топшириқлар учун берилган баллар хам талабанинг баҳолар базасига қўшиб борилади.

#### Formative assessment (жорий ва оралиқ) баҳолаш

Ўқитувчилар асосан аутентик баҳолаш топшириқларини қўллашлари тавсия этилади. Талабалардан эгаллаган билим ва кўникумаларини аутентик топшириқлар орқали намойиш этишларини сўралгандагина уларни ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳақиқий вазиятларда қандай натижаларга эришишлари мумкинлигини ва чет тилида нималарга қодир эканликларини аниқлаш мумкин бўлади. Бундай топшириқларни (рол

плей, кейс тахлили, интервью, лойиха иши кабилар) тайёрлашда талабаларнинг бўлғусидаги касбий вазиятларидан келиб чиқиш лозим бўлади. Жумладан, берилган мавзуда тақдимот қилиш, муҳим масала бўйича йиғилиш ёки давра сухбати ўтказиш, касбга доир нутқ тайёрлаш, лойиха наъмунасини тайёрлаш ва муҳокамага олиб чиқиш каби топшириклар.

Талабанинг биринчи босқич сўнггида ҳамда энг яқуний босқичда эришган натижалари баҳолашда давлат стандарти ҳамда CEFR га асосаланган ва З-жадвалда келтирилган таснифларга риоя қилинади. Бунда баҳолаш бўйича эришилган натижалар бўйича мезонлар ишлаб чиқилганда, нутқ фаолияти кўникмалари бўйича эришилдиган кўрсаткичлар “қила олади” (can-do) шаклида тасвирланиши керак бўлади. Янги дастурни тадбиқ этишга жалб қилинган ўқитувчилар тўртта тил кўникмалари ва малакаларини баҳолаш йўллари билан таниш бўлишлари талаб этилади.

Баҳолаш одатда юқоридан пастга (яъни вазифани бажариш қобилиятини баҳолайди) ва тилнинг индивидуал элементларига устунлик берадиган синовга мутлақо бошқача ёндошишdir. Юқоридаги сценарийларда **одамларни**, вазифанинг **мақсади** ва **контекстини** ҳисобга олиш ўта муҳимдир.

Ўқув дастурларида бўлгани каби, ҳакиқий баҳолашда, CEFR стандартида кўрсатилган мезонларга асосланиши керак. Ўқитувчилар маҳоратга асосланган субъектив баҳолаш амалиёти билан таниш бўлишлари керак.

LMS (Таълимни бошқариш тизимлари), шу жумладан Moodle каби мобил иловаларни қўллаш онлайн баҳолашни осонлаштириши билан бирга талабаларга ўз ютуқларини онлайн равишда кузатиб бориш имконини беради.

**Қўшимча хаволалар:** 1) Баҳолаш бўйича кўрсатмалар, 2) Фанни ўқитишида технологиялардан фойдаланиш, 3) Ўз-ўзини баҳолаш бўйича кўрсатмалар

## 5. Вакт меъёрлари

Хорижий тиллар талабага бутун бакалавр босқичида (3 ёки 4 йил давомида) ўқитилиши лозим. Бунда умумий чет тили йўналишига кўпин билан бир семестр ёки бир ўқув йили ажратилиши мумкин.

Ўқув режага кўра, хорижий тиллар хафтада 4 аудитория соати ва мустақил соат орқали ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Сарфланадиган вакт шунингдек, ОТМга қабул қилинган талабаларнинг тил билиш даражасига хам боғлиқ бўлади. Қуйидаги жадвалда дунё тажрибасида бошлангич

босқичдаги тил билиш даражасидан кутилаётган даражага эришишда сарфланадиган вақт хажми құрсатылған:

5- жадвал

#### Вақт меъёрлари

Күзда тутилған даража	A2	B1	B2	C1
Бошланғич даража				
A1	200 соат	400 соат	600 соат	850 соат
A2	•	200 соат	400 соат	650 соат
B1	•	•	200 соат	450 соат
B2	•	•	•	250 соат

Бошланғич босқичда ҳар бир тил күнікмасини ривожлантириш учун сарфланадиган вақтлар нисбати бир хил бўлиши мумкин, бироқ соҳага йўналтирилған чет тилни ўрганиш босқичларида вақтлар нисбати талабаларнинг тил ва мулоқотга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланиши мумкин. Куйидаги жадвалдаги мисолга қаралсин.

6- жадвал

#### Босқичларда нутқ фаолияти турларини ўқитиш.

	Бошланғич босқичда	Соҳага йўналтирилған босқичда
Гапириш	25%	40%
Тинглаб тушуниш	25%	30%
Ўқиш	25%	20%
Езиш	25%	10%

#### ENSPIRE-U (*Махсус мақсадларга йўналтирилған инглиз тилини ўқитиши тизимини ислоҳ этиши*) лойиҳаси иштирокчилари

- Ирискулов М.Т (ЎзДЖТУ ҳузуридаги РИАИМ)
- Иргашева С. (Британия Кенгashi, ЎзДЖТУ)
- Бегибоева Н (ЎзДЖТУ ҳузуридаги РИАИМ)
- Хан С. (ЎзДЖТУ ҳузуридаги РИАИМ)
- Вохидова Н. (БухДУ)
- Акобиров Ф. (БухДУ)
- Абдурахмонова З. (АнМИ)
- Абдуллаев Д. (УрДУ)
- Арипова Г. (ТДСМИ)
- Барашова А. (НукусДПИ)
- Бобожонова Ш. (ТТА)
- Тангирова К. (ЎзДЖТУ ҳузуридаги РИАИМ)
- Давлетназарова С. (Қ-қДУ)

- Жуманиёзова М. (ТКТИ)
- Жураева Н. (ТТЕСИ)
- Захидова Г.(ТАТУ)
- Ибрагимова Ш. (ТДПУ)
- Кан Г. (ЎзДЖТУ)
- Кадирбекова Д. (ТАТУ)
- Максудова Х. (ТФарИ)
- Мамараимова Д. (ТерДУ)
- Мирходжаева Ф. (ЎзМУ)
- Мухитдинова С. (ГулДУ)
- Назмутдинова К. (ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ)
- Нарматова Г. (ТДАУ)
- Нигматова Ш. (ЎзМУ)
- Огай М. (ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ)
- Парпиева У. (ТИҚХММИ)
- Рахимова Ш. (ТДИУ)
- Хазратова З. (ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ )
- Холиёров Б. (ҚаршиМИ)
- Ходжалепесова И. (Қ-қДУ)
- Ширинова Ф. (ТФарИ)
- Шомуродова З. (НавКИ)
- Эшчанова Г. (ТКТИ)
- Юлдашева Д. (ТТЕСИ)
- Юсупалиева Ш. (ТТЕСИ)
- Нурматова Н. А. (ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ)

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг

2020 йил 30 10 даги 6-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 07 12 даги 648-сонли буйруги билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

**Тақризчилар:**

**М.Т. Ирискулов:** Узбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги РИАИМ бўлим бошлиги  
**Б.С.Мирзаев:** ТИҚММИ проректори